ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИММУНОПРОФИЛАКТИКАСИ

Техникавий шартлар

(0239-07/4-сон СанҚваНга қўшимча)

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 июлда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 31-сон]**

## Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар иммунопрофилактикаси 0239-07/4-сон СанҚваНга киритилаётган қўшимча

Эпидемиологик кўрсатма бўйича профилактик эмлаш календари «Шол касаллиги билан касалланган беморлар билан мулоқотда бўлган шахслар» позициясидан сўнг қуйидаги таҳрирдаги позиция билан тўлдирилсин:

«

| Эмланиши лозим бўлган контингентлар | Эмлаш турлари | Вакцина олувчилар ёши | Ревакцинация муддатлари |
|---|---|---|---|
| Аҳоли билан мулоқотга киришувчи барча турдаги хизмат кўрсатиш объектлари *(Давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон почтаси бўлинмалари, банклар, лизинг ташкилотлари, нотариуслар, суғурта компаниялари, туристик агентликлар, гўзаллик салонлари, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва мой алмаштириш, ювиш шахобчалари, сартарошхоналар, интернет заллари, тўловларни қабул қилиш пунктлари, риэлторлик хизматлари, реклама хизматлари ва бошқалар)* ходимлари;<br>барча турдаги савдо *(озиқ-овқат, хўжалик моллари, кийим-кечак дўконлари, дорихоналар ва бошқалар)* объектлари ходимлари;<br>спорт мактаблари ҳамда спорт иншоотлари ходимлари;<br>маданий ҳамда кўнгилочар объектлар ва дам олиш масканлари ходимлари;<br>меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хостеллар, отеллар, ётоқхоналар ва кемпинглар ишчи-ходимлари;<br>йўловчи ташиш билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари; | Коронавирус инфекциясига қарши | 18 ёшдан юқори | Вакцинани қўллашга доир йўриқнома асосида |

».

| | | | |
|---|---|---|---|
| давлат ва нодавлат таълим муассасалари ходимлари;<br>ҳарбий хизматчилар;<br>умумий овқатланиш жойлари, жумладан жамоат жойларида жойлашган тезкор овқатланиш нуқталари, чойхона, тўйхона, кафе ва ресторанларнинг ходимлари, шунингдек, маҳсулотларни етказиб бериш билан шуғулланувчилар;<br>барча турдаги давлат ва нодавлат тиббиёт ва тиббий-ижтимоий объектлар ходимлари;<br>коммунал хизмат соҳаси ходимлари;<br>алоқа ва телекомуникация объектлари ходимлари;<br>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари;<br>ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари. | | | |

**Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи** **Б.ЮСУПАЛИЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 19 июль,
02-сон